

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОТИВАЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Джамалов Уткир Ильхомович –

Жиззах политехника институти, Метрология ва
стандартлаштириш кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришида мотивациявий омиллардан фойдаланишинг илмий ва услубий асослари таҳлил этилган, тадбиркорлик соҳасидаги муаммолар ўрганилган, муаммоларни ҳал этиши бўйича таҳлилий ишлар олиб борилиб, таклиф ва хуносалар берилган ва тадбиркорлик фаолияти фаоллигини таъминловчи омилларнинг гуруҳланиши келтирилган.

Калим сўзлар. Тадбиркорлик, кичик бизнес, оиласи тадбиркорлик, мотивация, бандлик, экспорт, рабатлантириш, фойда, тадбиркорликда иқтисодий хавфсизлик, бозор, корхоналар, қобилият.

НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МОТИВАЦИОННЫХ ФАКТОРОВ В
РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Джамалов Уткир Ильхомович –

старший преподаватель, Джиззакский политехнический
институт, кафедра метрологии и стандартизации

Аннотация. В статье анализируются научно-методические основы использования мотивационных факторов в развитии предпринимательства, исследуются проблемы в сфере предпринимательства, аналитическая работа по решению проблем, предложений и выводов, а также группируются факторы, обеспечивающие предпринимательскую активность.

Ключевые слова. Предпринимательство, малый бизнес, семейный бизнес, мотивация, занятость, экспорт, стимулы, прибыль, экономическая безопасность в бизнесе, рынок, предприятия, способности

SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL BASES OF THE USE OF MOTIVATIONAL
FACTORS IN THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITY

Djamalov Utkir Ilkhomovich –

Senior Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute,
Department of Metrology and Standardization

Annotation. The article analyzes the scientific and methodological basis for the use of motivational factors in the development of entrepreneurship, studies the problems in the field of entrepreneurship, analytical work to solve problems, offers and conclusions, and grouping the factors that ensure entrepreneurial activity.

Keywords. Entrepreneurship, small business, family business, motivation, employment, export, incentives, profit, economic security in business, market, enterprises, ability

Кириш. Маълумки, Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланиши учун етарли даражада қулай имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлсада, лекин иқтисодиётда ҳали ҳам унинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси миқдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечинини кутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар талайгина. Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти мураккаб ва ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлган хўжалик юри-

тиш механизми ҳисобланади. Бу жараёнда рўй берадиган ҳар қандай воқеа ва ҳодисалар, иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий мавқеини ўзида бирлаштирганлиги оқибатида, бундай турли томонлама ёндошувлар иқтисодиётни бошқариш механизмини янада мураккаблаштиради. Шу сабабли, иқтисодиётнинг кутилмаган муаммолари оммавий характерга эга бўлиб, уларни ҳал этишнинг ташкилий, сиёсий ва ижтимоий жараёнларини ўзгартиришга мажбур бўлинади.

Жамиятда рўй берадиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар асосан аҳоли ўртасида пайдо бўлиши, яъни, бунинг туб сабабларидан бири аҳоли реал даромадларининг пасайиши ва ишсизликнинг кўпайиши оқибатида юзага келади. Бу жараёнда муаммоларнинг ечимини топишда тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил қилиниши ва ривожлантириш

орқали муаммоларни юмшатиш ёки бартараф қилишга имкон туғилади.

Хар бир мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш борасида ўзига хос тўпланган узоқ йиллик тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Аммо, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ҳам бошқариш ҳам мураккаб кечади ва буни тартибга солиш ҳамда ривожлантириш тадбиркорнинг фақат ўзига боғлиқ бўлмайди. Бунда турли таъсир этувчи омиллар ва ривожлантиришга кўмаклашувчи омиллар ҳам иштирок этади.

Тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил қилиш уни бошқариш жараёнида кутилмаган ҳамда тадбиркорлик йўлида учрайдиган ҳар қандай тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилишга шунингдек, фойда олиш мақсадида тадбиркор барча имкониятларни ишга соглан ҳолда ўз маблагини ишга тиккан ҳолда самарали фаолият юритишини талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолияти бу жамиятда иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос бир тури бўлиб, унинг негизида тадбиркорнинг мустақил ташабуси, маъсулияти юзасидан жавобгарлиги, ижодкорлиги, ўз ғоясига асосланган ҳамда фойда олишга қаратилган мақсад сари ундовчи омиллар сифатида шаклланади.

Хар қандай тадбиркорлик фаолияти ўзига хос иқтисодий фаолликнинг алоҳида унсури ҳисобланиб, унинг бошлангич бўғини маълум бир ғоя ва фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан узвий боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шакл сифатида юзага келади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлиги тушунчасининг моҳиятини тушуниб етиш учун энг аввало иқтисодий хавфсизлик тушунчасини англаб етмоғимиз лозим.

Самсонов К. Фикрича, Тадбиркорлик - мил-лий иқтисодиётнинг мустақиллигини, барқарорлигини, доимий янгиланишга ва такомиллашишга қодирлигини таъминловчи шартшароитлар ва омиллар мажмуудир [1].

Мильнер Б. эса мамлакатнинг ўз ресурс салоҳиятига иқтисодиёт ижтимоий ривожининг мувозанатлашган ва жадал ўсиш имкониятига нисбатан муҳим ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, геосиёсий шароитлар мажмууга Тадбиркорликнинг ривожланиши сабабли деб қараган [2].

Россиялик олим Родина Т.Е. фикрига кўра, ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши ўртача 33 фоизни ташкил этади. Россияда эса уларнинг улуши ЯИМнинг бешдан бир қисмини эгаллайди [3].

Жумладан Ж.Б.Сэй томонидан “Бойликни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг оддий схемаси” нашр этилган ва унда ортиқча

ишлаб чиқариш ва иқтисодий инқизорлар мумкин эмас деб тахмин қилинган. Ишлаб чиқариш даромад келтиради, бу эса тегишли қийматдаги товарларни сотиб олишга имконият яратади. Иқтисодиётдаги ялпи талаб ҳар доим ялпи таклифга тенг дея эътироф этилган[4].

А.Смит томонидан ҳалқларнинг бойлиги моҳияти ва сабабларини ўрганиш [5], Р.Хизрич ва М.Питерс томонидан тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, тадбиркорлик фазилатларини баҳолаш усуллари[6] атрофлича ўрганилган ва керакли таклиф ва тавсиялар келтирилган. Маҳаллий олимларимиздан И.У. Ибрагимов “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкилий-иқтисодий бошқариш механизмини такомиллашириш бўйича янгича таклифларни ишлаб чиқсан[7].

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари, бошқарув муносабатлари ва айrim худудий хусусиятлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари С.Гуломов, Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов ва Б.Ходиевларнинг илмий ишларида баён этилган.

С.Гуломов бизнес тадбиркорликка нисбатан кенг маънога эга. Тадбиркорлик фаолияти бизнес фаолиятининг бир шакли сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилади, деб таъкидлайди[8]. Профессор Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримовлар таърифига кўра “тадбиркор - бу бозор иқтисодиётида хўжалик юритишининг асосий субъекти ҳисобланади. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи кишилар гуруҳи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин, бу кишилар ўзлари ихтиёрида бўлган ишлаб чиқариш воситаарини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш ёрдамида бирлаштирадилар”[9]. Б.Ходиев эса “тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури, унинг остида мустақил ташабbus, жавобгарлик, янгилик кири туви, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир” – деб таъриф беради [10].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, тадбиркорликни ривожлантиришда унинг иқтисодиётга таъсири ўрганилган. Тадқиқотизмизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга харакат қилинган. Муаммонинг ечимиға олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот обьекти сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари мисол қилиб олинган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётининг бар-

қарор ривожланишида, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда энг асосийси тадбиркорликни ривожлантиришда мотивация йўли орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик соҳалари, жумладан, оиласвий бизнес, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаси фаолияти муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда етакчи ўринни эгаллайди. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, “Бугунги кунда дунёда 90,0 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолини учдан икки қисмини иш билан таъминламоқда”[11]. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини самарадорлигини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, улар-

нинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг тажрибасига яна эътибор қаратадиган бўлсақ, уларнинг иқтисодий ўсиши тадбиркорлик шаклига давлат томонидан алоҳида аҳамият берилаётганлиги ва қўллаб-куватланаётганлиги самараси эканини кузатиш мумкин. Масалан, Хитой давлати ҳукуматининг тахминига кўра, иқтисодиётнинг тўлиқ модернизацияси 2030 йилга келиб тугайди, бунда ҳукумат асосий ўринни кичик бизнес ташкил этишига эътибор қаратади. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунёning тараққий топган давлатларида яратилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

(умумий хажмга нисбатан % да)

Йил	ЯИМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик	Экспорт	Импорт
2000	31,0*	12,9*	38,4*	49,7*	10,2	22,8
2001	33,8*	12,5*	40,4*	51,8*	9,3	26,7
2002	34,6*	15,4*	42,0*	53,5*	7,5	24,9
2003	35,0	10,8	39,9	56,7	7,3	33,7
2004	35,6	11,0	49,6	60,3	7,3	32,7
2005	38,2	10,0	50,9	64,8	6,0	33,7
2006	42,1	10,9	52,1	69,1	11,2	34,2
2007	45,7	13,2	55,4	72,1	14,8	32,0
2008	48,2	14,6	58,4	73,1	12,4	35,7
2009	50,1	17,9	42,4	73,9	14,6	42,5
2010	60,8**	26,6	52,5	74,3	13,7	35,8
2011	61,9**	28,6	67,6	75,1	18,8	34,3
2012	60,8**	29,7	70,0	75,6	14,0	38,6
2013	60,9**	33,0	70,6	76,7	26,2	42,4
2014	61,9**	36,8	69,5	77,6	27,0	45,4
2015	64,6**	40,6	66,7	77,9	27,0	44,5
2016	66,8**	45,3	66,9	78,2	26,0	46,8
2017	65,3**	41,2	64,8	78,0	22,0	53,6
2018	62,4**	37,4	73,2	76,3	27,2	56,2
2019	56,0**	25,8	75,8	76,2	27,0	61,6
2020	55,7	27,9	72,5	74,5	20,5	51,7

*) Кичик ва ўрта бизнас

**) 2010-2019 йиллар учун аниқлик киритилган (қайта баҳолабчиқилган) маълумотларни ҳисобга олган ҳолда келтирилган

Жадвал маълумотлари асосида шуни айтиш мумкинки 2020 йилда импорт хажми ортган бу албатта салбий ҳолат чинки агарда мамлакат ичидаги маҳсулотларни яратишни йўлга қўйилса мамлакат ўзини-ўзи қондира олади. Бу жараённи тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мушкул. Бандлик даражаси охирги 10 йилликда ўртача 73 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисми оиласвий корхона шаклида иш юритмоқда. Европа давлатлари

ялпи миллий маҳсулотининг 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оиласвий бизнес ишлаб чиқарди. АҚШ иқтисодиётида унинг улуши 95 фоиздан зиёд миқдорни ташкил этади[12]. Ривожланган давлатлар тажрибасидан ва авлодларимиз анъаналаридан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда ҳам ушбу соҳага эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хунармандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида

бандлигини таъминлаш орқали уларнинг қўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[13]ги қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 авгуустдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-кувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тад-

биркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”[14]ги ПФ-5780-сон Фармонида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташабbusларини қўллаб-кувватлашга қаратилган бир қатор вазифалар амалга оширилган бўлиб, натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти миллий иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бу қарорлар ҳам тадбиркорлик субъектларига мотивация бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Тадбиркорлик фаолияти фаоллигини таъминловчи омиллар

- Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий фаоллигини таъминловчи фоя ва фикрларнинг шаклланиши ва уни амалда қўллаш имкониятлари
- Тадбиркорлик фаолиятидаги ижодкорлик ва уни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш
- Тадбиркор билан истеъмолчи ўртасидаги муносабатлар ва унинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини доимий баҳолаш
- Тадбиркорнинг шахсий сифатлари ва тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсирини баҳолаш
- Тадбиркорнинг ишбилармонлик ва ўзига ишонувчанлик жиҳатлари
- Тадбиркорнинг ишлаб чиқариш жараёнида жамоа кучига таяниши
- Тадбиркор бошқарув қарорларини қабул қилиши ва унинг натижаларини назорат қилиши

1-расм. Тадбиркорлик фаолияти фаоллигини таъминловчи омилларнинг гурухланиши

Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган.

Тадбиркорнинг фикрлаш натижаларини моддий шаклга ўтиши бу тадбиркор ўз фаолиятида янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш орқали, маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартирган ҳолда корхонани ишлаб чиқариш таркибида туб ўзгаришлар содир бўлиши тадбиркордан ижодкорликни талаб этади (1-расм).

Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишнинг янги усуллари ёки янги замонавий ҳамда ихчам технологияларни тадбиқ этишда ўз самарасини беради.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш фикрларни иш жараёни ёки ишчи ходимларни бошқариш билан якун топмайди, балки янги туғилган фикрлар ва ижодкорликни тўғри қўллай олиш

ҳам бошқарувда қийин кечади. Шу боис, ҳар қандай жараёнда тадбиркор ўз фаолиятининг асосий субъекти бўлиб ҳисобланади. Бироқ, барча соҳаларда ҳам тадбиркор ягона субъект эмас, балки, ҳар қандай ҳолда ҳам у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси, турли вазиятларда рақобатчи сифатида намоён бўлади, шунингдек, баъзи ҳолларда давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Шу билан бирга истеъмолчи ҳам, давлат ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари сифатида эътироф этилади.

Тадбиркор билан истеъмолчи ўртасидаги муносабатлар доимий бўлган ва давом этувчи жараён бўлиб ҳисобланади, бу жараённи тадбиркорлик фаолиятига таъсирини доимий баҳолаш талаб этилади. Бундай шароитда тадбиркор фаол субъект категорияси сифатида гавдала-

нади ҳамда истеъмолчи билан ўзаро бўладиган муносабатларни таҳлил қилишда истеъмолчи тадбиркорлик жараёнининг индикатори ролни бажаради. Истеъмолчининг ижобий баҳосига эга бўлган ҳолдагина тадбиркорлик фаолиятини янада узвий тарзда амалга оширилиши, акс ҳолда тадбиркор рақобатда синиши ёки ўз фаолиятини тутгатиши мумкин.

Тадбиркор яратган товарига истеъмолчи томонидан баҳо берилади шундан сўнг ўёки бу товарни харид қилишга тайёрлиги маълум бўлади. Тадбиркор келажақдаги ўз фаолиятини режалаштириши ва ташкил қилишида истеъмолчининг кайфияти, истаги, манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиши талаб қилинади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай тадбиркор истеъмолчининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда ҳаракатланиши лозим акс ҳолда истеъмолчига таъсир қилишнинг бошқа имконияти йўқ. Бу эса тадбиркор доимо истеъмолчи манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши шартлигини билдирамайди, балки тадбиркор янги товарни яратса истеъмолчи дидига ва даромадига мос келса, истеъмолчидаги сўзсиз шу товарга бўлган талаби шакллана бошлайди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг қуидаги усулларини келтириб ўтиш мумкин[15]:

- Тадбиркорнинг истеъмолчи манфаатларини аниқлаш усули;
- Тадбиркор ўз фаолиятидан келиб чиқиб янги товар ўёки хизматларини "мажбуран истеъмолчи онгига сингдириш" усули;
- Тадбиркор маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали истеъмолчи талабларини ўрганиш ва истеъмолчи кутмаган товарларни яратиш усули.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, тадбиркор фаолиятининг асосий мақсади бозорда ўз истеъмолчиларига эга бўлиш учун ўз товарларига бўлган эҳтиёжни доимий аниқлашдан иборатдир. Бу ҳолатда тадбиркор ўз истеъмолчиларига эга бўлишда қуидаги омилларни ҳисобга олиши керак: товарнинг янгилиги ва унинг харидор манфаатига мос келиши, сифати, нархи, товарнинг универсаллик даражаси, унинг ташқи кўриниши, харидор талабига мослиги, сотувдан кейинги сервис хизмат, товарнинг давлат ва ҳалқаро стандартларга мослиги, рекламалилиги ҳамда харидор диққатини ўзига жалб қилиши.

Ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тадбиркор фаол субъект сифатида шакллансада, тадбиркорлик жараёнининг ўзи, унинг иш фаолияти самарадорлигида истеъмолчи фаол аҳамиятга эга бўлади буни эса тадбиркор ҳеч қачон рад эта олмайди.

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларда ижтимоий-демографик омиллар сезилар-

ли таъсир қиласи. Эркаклар ва аёллар бизнесни очиш билан боғлиқ имкониятларни бир хил баҳолайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллаётганларнинг демографик омиллар бўйича таҳлили кўрсатишича эркак ва аёллар ўртасида фарқланиш деярли бўлмаган (21,1% ва 20,7%), аммо ёш гуруҳлари бўйича сезиларли фарқланиш мавжуд. 30 ёшгача бўлган гуруҳда 22,8%, 41-55 ёш гуруҳида 24,8% респондентлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилганлигини кузатишими мумкин. Аксинча, 31-40 ёш ҳамда 55 ёшдан юқори респондентлар гуруҳида ушбу кўрсаткич сезиларли даражада камроқ (12,5% ва 10,8%). Назаримизда, ёшлардаги тадбиркорлик фаолиятида фаоллиги бир томондан уларнинг таваккалчилликка мойиллиги билан баҳоласак, иккинчи томонидан ушбу демографик гуруҳ вакилларининг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлашга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлигидир. 41-55 ёш гуруҳларининг тадбиркорлик соҳасида фаоллиги уларнинг бу соҳада тўплаган тажрибаси ва уни умалга ошириш учун зарур жамғармаси мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Демак, тадбиркорлик салоҳияти шаклланишида аҳоли ёши, билим даражаси ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланар экан. Аҳолининг асосий қатлами билан солиштирганда тадбиркорликка мойиллиги бор кишилар ва тадбиркорлар кўп ҳолларда хавф-хатарга тик боқиб, яшаш жойини ҳамда иш фаолиятини ўзгартириб туради. Улар олдинда турган хавф-хатарга, вақтинчалик муваффақиятсизликларга ва тўсатдан пайдо бўладиган тўсиқларга тайёр туришади ҳамда тадбиркорлик соҳасида банд бўлмаганларга нисбатан ўзларини омадли ва баҳти деб ҳис қилишади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиганлар эса бунга сабаб қилиб тадбиркорлик соҳасида билими ва қобилияти етишмаслигини, шунингдек солиқнинг юқорилигини сабаб қилиб кўрсатишади. Шахс ўзида мавжуд тадбиркорлик қобилиятлари, билим ва кўникмаларини ўз бизнесини амалга ошириш учун етарли деб идрок этганда-гина тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги ва муваффақиятли бизнесни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадда ҳудудларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилиши;

ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 10 миллион сўмгача субсидиялар берилиши;

камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижага берадиган омил бу – қишлоқ ҳўжалиги-

да ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш бўлиб, ҳар бир туманинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, дехқончилик билан шуғулланадиган оиласларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилиши;

эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Ҳисобкитобларга кўра, мамлакатда кам таъминланган аҳоли сони 12–15 фоизни (4,5–5 млн киши) ташкил этади. Охирги 2 йил ичидаги ижтимоий нафақа олувчилар сони 1,3 баробарга кўпайди, нафақалар миқдори 2 баробарга ошди. Хулоса қилиб айтганда мамлакатимиз аҳолисининг камбағалликдан қутқаришда авваламбор, кичик бизнес субъектлари ва оиласий тадбиркорликни ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, бу орқали иш билан банд-

ликни таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида унга эришишда белгиланган вазифалар ҳамда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш лозим.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун энг аввало ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш зарур. Самарадорлигини ошириш жараёнлари эса :

- жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш;
- даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш каби йўналишларини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Самсонов К. Элементы концепции экономической безопасности//Вопросы экономики. -1994.-№12.-С.14;
2. Мильнер Б. Качество управления – важный фактор экономической безопасности // Вопросы экономики.-1994.-№12.-С.54;
3. Родина Т.Е. «Реализация национального проекта «малое и среднее предпринимательство и поддержка индивидуальной предпринимательской инициативы» в России»//Сборник тезисов докладов участников научно-практической конференции «Инновационные направления интеграции науки, образования и производства»- Керчь: ФГБОУ ВО «КГМТУ», 2020. – 329-331с.
4. Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с.
5. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.
6. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.
7. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_Ibragimov.pdf
8. Гулямов С.С., Догиль А.Ф., Семенов Б.А. Предпринимательство и малый бизнес. – Т. 1997 – с. 33 – 34
9. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. "Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари". Т.: Мечнат.2010. 9-бет
10. Ходиев Б.Ю. Физбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлари. 08.00.06 – "Эконометрика ва статистика" ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.: 2000. 42-б.
11. <http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf>
12. Оиласий тадбиркорлик: иш ўринларини ўзимиз яратамиз. <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/3671>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2019 йил 7 марта даги ПҚ-4231-сон Қарори
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиши тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони.
15. М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2020, – 274 бет.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БИЗНЕС ИНКУБАТОРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БОШҚАРИШ

Нарзуллаев Шодиёр Эштулатович -
Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази
бўлим бошлиғи

Аннотация. Мазкур мақолада миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бизнес инкубаторлар фаолиятини амалга оширишда инновацион илмий ва технологик ишланма лойиҳалар (дастурлар) яратиш, инновацион бизнес режсалар ишлаб чиқиши, яратилган ғоявий ишланма натижаларини қўллаб-қувватлаш, уларни тижкоратлаштириш орқали янги иш жойларни ташкил этилишининг иқтисодий афзалликлари ёритилган.

Таянч сўзлар: модернизация, бизнес инкубатор, илм, инновацион ғоялар, яратувчанлик, ноу-хау, технологиялар, менежмент, маркетинг, тижкоратлаштириш, янги илмий ишланмалар, иқтисодий ривожланиш.